



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G' I

2020 yil "16" 04

№ 190

Toshkent sh.

**2020/2021 ўқув йилида клиник
ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли ва 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда юқори малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб **буюраман:**

1. Куйидагилар:

Клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларни 2020/2021 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати ва ўқиш муддатлари 1-иловага мувофиқ;

Тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази бўйича 2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га умумий ва мақсадли қабул режаси 2-иловага мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари ва илмий-тадқиқот институтларида 2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га мақсадли қабул қилиш режаси 3-иловага мувофиқ;

Тиббиёт олий таълим муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч ва Фарғона филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтларида 2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура) қабули тест синовларини ташкил этиш жадвали 4-иловага мувофиқ;

2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул бўйича масъул котиблар рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Тиббиёт олий таълим муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч ва Фарғона филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари клиник ординатор (резидент)ларини “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанини ўқитиш учун Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва тиббиёт олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали 6-иловага мувофиқ;

2020/2021 ўқув йили клиник ординатура (резидентура)га ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида клиник ординатура (резидентура) мутахассисликларига бакалаврият йўналишларининг мослиги 7-иловага мувофиқ;

2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисидаги ҳисобот шакллари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

клиник ординатурага (резидентурага) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курси вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида ташкил этилади;

клиник ординатура (резидентура)га танлов тест синовлар ёрдамида амалга оширилади;

тест синовлари бали клиник ординатура (резидентура)га кириш максимал балининг 30 фоиздан кам бўлган ҳолларда, ушбу шифокорлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 12 июндаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббий (врачлик) ва фармацевтик мутахассислик ва лавозимлар номенклатурасини, таълим даражасининг эгаллаган лавозимига мослигини тасдиқлаш тўғрисида”ги 170–сонли буйруғининг 1-иловасига асосан 2020/2021 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларни тайёрлаш мазкур буйруқнинг 1-иловасида келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида амалга оширилсин.

4. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Ф. Санаев)га “Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш” газетаси (И. Соатова) ва “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК (Э. Гимранов) билан биргаликда клиник ординатура (резидентура) қабули бўйича эълонларнинг оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминлаш юклансин.

5. Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч ва Фарғона филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари директорларига:

коронавирус инфекцияси билан боғлиқ пандемия шароитида 2020/2021 ўқув йили қабулида ҳужжат топширувчиларга қулайлик яратиш мақсадида рўйхатдан ўтиш жараёни онлайн тарзда – ташкилотларнинг расмий веб-сайтлари орқали амалга ошириш;

клиник ординатура (резидентура)га қабулни оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошлаб, жорий йилнинг 22 августигача (шу кунга ҳам) амалга ошириш;

ҳужжат топширувчилар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун ташкилотларда ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9:00-18:00 гача (1 сентябргача бўлган муддатда) ишлайдиган муружаатлар маркази (“Колл марказ”) фаолиятини 2020 йилнинг 20 июлига қадар ташкил этиш;

қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотни жорий йилнинг 23 августига қадар ўрнатилган тартибда Фан ва таълим бош бошқармасига топшириш;

тест синовлари ўтказиладиган ҳудудларга кириш жойларида дезинфекция йўлақлари ўрнатиб, иштирокчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш мосламалари, антисептик воситалар билан таъминлаш;

коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирларини инobatга олиб, 2020/2021 ўқув йили қабулида тест синовларини ҳар бир иштирокчи учун биноларда 3 м² дан кам бўлмаган жой ажратиб, қоида тарикасида, бир кунда икки ёки уч сменада ўтказиш;

тегишли ташкилотлар билан биргаликда тест синови ўтказиладиган ҳудуд ва биноларни талаб асосида дезинфекция қилиш;

заруратга кўра ҳар бир ҳудудни навбатчи тез тиббий ёрдам машинаси билан таъминлаш;

тест синови ўтказиладиган ҳудудга киришда тана ҳарорати 37,0⁰С дан юқорилиги аниқланган иштирокчини тест синовларига киритмасдан далолатнома тузиб, тиббий текширув ўтказиш учун ҳудудга бириктирилган тиббиёт ходимига топшириш;

Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий марказларида тиббий текширувидан ўтказилган ва коронавирус касаллиги аниқланмаган иштирокчилар учун тест синовлари тўлиқ яқунлангандан сўнг тўртинчи кунга тест синовларини ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қабул режаси бўйича берилган мақсадли ўринларга танловни ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этиш ва ажратилган ўринларга ушбу ҳудудларда яшовчи ёки бошқа вилоятларда ишлаш истагини билдирган шифокорларни қабул қилиш;

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари учун клиник ординатура (резидентура)га берилган ўринларга танловда иштирок этувчи шифокорларга танловнинг тест синовларини 4-иловада бириктирилган тартибда бепул ташкил этиш;

клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш режаси бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни жорий йилнинг 14 сентябригача вазирликнинг Фан ва таълим бош бошқармасига тақдим этиш;

клиник ординатура (резидентура)га кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир шифокорга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва тест синовлари муддати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилишини таъминлаш;

республикадаги эпидемиологик вазият ва карантин тартибларини инобатга олиб, 2020/2021 ўқув йили бўйича клиник ординатура (резидентура)да ўқув жараёнини жорий йилнинг 17 сентябридан бошлаш;

тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларини клиник ординатура (резидентура)га қабул қилган ҳар бир муассаса уларнинг ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида улар билан тузилган “уч томонлама шартнома” нусхасини ва битирувчиларга тиббиёт олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилган “ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги йўлланма”ни тўлдириб, улар битирган тиббиёт олий таълим муассасасига тақдим этиш;

клиник ординатура (резидентура)ни тугатган ҳар бир мутахассисни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар тўғрисидаги маълумотни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этиш вазифалари юклансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда барча вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ажратилган қабул режаси доирасида, туманлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, шифокорларни танловда иштирок этиш учун жалб этилишини таъминласин.

7. Фан ва таълим бош бошқармаси (Ў. Исмаилов) ва Тиббий таълимни ривожлантириш маркази (Н. Янгиева)га 2020 йил 1 сентябрь кунига қадар клиник ординатурага (резидентурага) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш ва Соғлиқни сақлаш вазирига тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юклансин.

8. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (У. Сабилов) ҳамда Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи (Ў. Исмаилов)га:

мақсадли қабул қилинган клиник ординатор (резидент)лар ўқишини битиргандан сўнг бириктирилган туманларда камида 3 йил ишлаб берилиши белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатура (резидентура)га ажратилган ўринлар тўлдирилмаса, уларни ҳудудий квота доирасида қайта тақсимлаш;

Тошкент шаҳрида танловдан ўтган шифокорлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг

филиаллари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда, уларни вилоят қабул режаси доирасида юбориш;

тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, клиник ординатура (резидентура) қабул режасига киритилган асосли таклифларни кўриб чиқиш ва қўшимча ўринлар ажратишни назарда тутиш топширилсин.

9. Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Б. Эргашев)га:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2020/2021 ўқув йилида клиник ординатор (резидент)ларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китобларини жорий йилнинг 1 сентябрга қадар ишлаб чиқиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари, Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтларидаги клиник ординатор (резидент)лар учун “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанини икки йил мобайнида умумий 36 соат ўқитиш учун сарф-харажатлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш чораларини кўриш;

2020/2021 ўқув йилидан тиббиёт олий таълим муассасалари, Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари харажатларининг бюджет сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида, шунингдек, тўлов-контракт асосида клиник ординаторлар (резидентлар)ни ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан клиник ординатор (резидент) раҳбарига бир йилда 100 соат ҳисобидан бир нафар клиник ординатор (резидент)га раҳбарлик учун соатбай тўловлар тўланишини белгилаш топширилсин.

10. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари У. Сабиоров зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов